# ТАКЛИФНОМА БЎЙИЧА ЧЕТ ЭЛ САФАРИГА КЕТАЁТГАНЛАР УЧУН САФАР РЕЖАСИНИНГ ЁЗИЛИШ ТАРТИБИ

Халқаро конференция, семинар, симпозиумларда қатнашиш, шунингдек малака ошириш, тажриба алмашиниш ёки ўқиш учун чет эл сафарига кетаётган ҳар бир профессор-ўқитувчи, докторант, аспирант, магистрант ва талаба ўз сафар режасида қуйидагиларни акс эттириши шарт:

- Сафарнинг мақсадга мувофиқлиги ва амалий самарадорлиги
- Ташкилотчилар ҳақидаги тўлиқ маълумот
- Режалаштирилган анжуманлар
- Қатнашиш шартлари
- Кутилаётган натижалар
- Сафар натижалари бўйича университетда қилиниши керак бўлган ишлар

Шунингдек, хорижий сафарлар билан боғлиқ бўлган режалар тузиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида”ги 1533 сонли Қарорида белгиланган вазифаларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.